

Устозларни эъзозлаб

8-март Халқаро хотин - қизлар куни арафасида "Гидромелиорация" факультети "Гидрология ва гидрогеология" кафедраси профессор ўқитувчилари F.У.Юсупов, С.Е.Нуржанов ва Қ.Ш.Эшқувватовлар кафедранинг фахрли устози гидрогеолог г.м.ф.н. доцент М.Умарова хонадонларига ташриф буюришди. М.Умарова ва F.Усмонович иш фаолиятида бирга бажарган ишларини, меҳнат фахрийларини, устозларини ва елкадош бўлиб ишлаган ҳар бир ходимни эсладилар.



М.Умарова ўзининг 87 йиллик умри давомида эришган ютуқларини айтиб ҳаётидан мамнун эканлигини Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида ишлаганидан фахрланишини ва айнан фахр туйғусини ҳозирги замон ёшларига сингдириш кераклигини бот-бот тақрорлади. М.Умарова ташрифдан кўнгли тоғдай кўтарилиганлигини таъкидлаб ўтди.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати